

ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМА № 1

«28» январ 2022 йил

Фаргона шахар.

Фаргона шазар Ободонлаштириш Бошкармаси раҳбари Ж.Одилов бундан буен бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан «Куббо Давр Минбари» МЧЖ раҳбари Д.Эргашев низоми асосида иш юритувчи бундан буен «Хизмат курсатувчи» деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.4. «Хизмат курсатувчи» Фаргона шаҳрида барпо этилаётган “Эко шаҳар” худудида ишлаётган ишчи-хизматчиларни озик-овкат билан таъминлаш, «буюртмачи» эса курсатилган хизмат учун толовларни белгиланган тартибида ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Иссик -овкат	Порция	4 444	18 000	79 992 000
	Жами:				79 992 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси 79 992 000 сум (Етмиш туккиз миллион туккиз юз туксон икки минг) сум.

III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Буюртмачи» курсатилган хизматнинг 30 % микдорида пул маблагини олдиндан утказиш йули билан толовни амалга оширади. Колган 70% толовни «Хизмат курсатувчи» томонидан ишлар тулик бажарилиб, хисоб –фактураларни тақдим килингандан сунг амалга оширилади.

3.2. Хизматлар «Хизмат курсатувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда күшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Хизмат курсатувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 10 кун муддат ичида «Буюртмачига» га бажарилган ишларни курсатиши шарт.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Хизмат курсатувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Буюртмачига»га схизмат курсатиши ;
 - Тегишли даражада схизмат курсатилгнадан сунг, сифатли булмаган хизматни ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган хизмат баҳосини кайтариб бериш.
 - «Хизмат курсатувчи» етказиб берган маҳсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибида ракамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

5.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда толовларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб уз вактида маҳсулотни кабул килиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниклангандан сунг, ушбу тугрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хакида 3 кун ичида «Хизмат курсатувчи »ни огохлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган хамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича толовлар амалга оширилишига йул куйилмайди.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигидек шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

6.2. «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечикирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот кийматининг 0,5 % микдорида «Харидор»га пена тулайди, лекин пена микдори кечикирилган маҳсулот кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.3. Шартнома талабарида курсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбор тараф ушбу маҳсулот кийматининг 20 % микдорида жарима тулашига сабаб булади.

6.4. «Буюртмачи» томонидан олинган товар еки маҳсулот учун туловлар уз вактида амалга оширилмаган тақдирда кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,01 % микдорида «Хизмат курсатувчи»га пена тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечикирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки маҳсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ ётказиб берувчи томонидан копланади.

VII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирилаши ва бошка табиий оғатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка хар кандай холатлар тегишилдири.

7.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш еки күшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

VIII. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартериш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хужалик суди оркали Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал килинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган заарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «28» январ 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошкармаси (булимни) да белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради. X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИЛЛАРИ

ФАРГОНА ШАҲАР ОБДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ	
Фарғонада 2000 йил 29 майда 3-ий	
Шх/р:	200022968307
ИНН:	200145479
ОКОНХ:	90290
Молия Вазирлиги Газначилиги	
Фарғона ш. газначилик бўлинмаси.	
х/р:	23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш. ХКМ	
х/р:	00014
СТИР:	201122919
Марказий банк Тошкент ш. ХКМ	х/р:
00014	СТИР:
14298 95 400-90-55, 404-52-91	



Рахбар:

Ж. Одилов



Рахбар:

Д. Эргашев

«Хизмат курсатувчи»

«Куббо Давр Минбари» МЧЖ

Кува тумани ЯнгиЧек кишилоги №44 уй

х/р 202080008002937420001 «Алока Банк»

Фарғона шахар булими

МФО 00401, ИНН 302875817

Тел +99891 663 50 62

Унчук тузилгандан шартнома лойихаси Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Узбекистон Республикасининг «Хужжатларни субъектлари фаолиятининг шартномавий – хукукий базаси тугрисида» ги конуний ва бошка конун хужжатларни асосан тугри тузилган. Шартномадаги шартлар, жумладан тарафларнинг моддий жавобгарлик масаласи амалдаги конуний хужжатларига мос келади.

Хулоса килиб айтиш мумкин, мазкур шартномани тузи шва имзолаш мумкин.

Хукукшунос _____